



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 4 май, чоршанба № 71 (1912)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ипакчилик тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самардорлиги ва уни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар баҳс-мунозараси бўлиб ўтди.
Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Кейинги йилларда Ҳукумат томонидан ипакчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга ва саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. 2004 йилда ипакчилик тармоғи саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 104 фоизни, ипак ип ишлаб чиқариши - 113,7 фоизни, экспорт 16,3 миллион АҚШ долларини (135,6 фоиз) ташкил этди.

Шу билан бирга, мажлисда қайд этилганидек, республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан ипакчилик тармоғидаги иқтисодий ислохотларнинг самардорлигини таъминлашга доир зарур чоралар кўриляпти.

Асосий вазифа - бу ипакчиликнинг мустаҳкам базасини таъминлаш. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари, шунингдек вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан амалий назорат қилинмаслиги тўғрисида тўғри экиш топшириги бажарилмаган. Жумладан, тўтзорлар барпо қилиш топшириги бажарилиши 2002-2004 йилларда Бухоро вилоятида - 7,2 фоизни, Қашқадарё

вилоятида - 15,9, Фарғона вилоятида - 16,2, Тошкент вилоятида - 19,1, Хоразм вилоятида - 20,8 ва Сурхондарё вилоятида - 21,1 фоизни ташкил этган.

Қишлоқ ҳўжалиги ширкатларини фермер ҳўжалиқларига айлантириш шартларида экилган тўт дарахтлари ва якка қатор экилган тўт дарахтларини ўз вақтида ва сифатли парвариш қилиш, уларнинг сифатини яхшилаш масалалари қишлоқ ҳўжалиги органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳамда ипакчилик тармоғи корхоналарининг эътиборидан четда қолди.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси ҳудудий уюшмаларининг пилла етиштирувчилар билан, айниқса Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги пилла етиштирувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши масалалари охиригача ҳал этилмаган.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (А.Хоназаров), Ўзбекистон ипакчилик илмий-текшириш институтининг (Х.Ҳомидий) фаолияти ташаббус кўрсатмаганлиги ҳамда тўт бағри зараркундаларига қарши кураш бўйича илмий ва амалий тадқиқотларнинг паст самардорлиги учун ва мамлакатимизнинг ўзида юқори маҳсулдор ипак қурти етиштириш борасида қаттиқ таътир қилинди. Бунинг сабаби ипак қуртини чет элдан импорт қилиш давом этмокда, бу эса тармоқнинг пировард маҳсулоти таннар-

мер ҳўжалиқларига бериш тартибини ишлаб чиқиш, бунда етказиб берилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифати учун фермер ҳўжалиқларини рағбатлантириш масалаларини назарда тутиш топширилди.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон ипакчилик илмий-текшириш институтига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 мартдаги Ф-2167-сон Фармойишига мувофиқ тўт дарахтларининг юқори ҳосилли янги навларини, селекциясини ривожлантиришга ва мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган юқори маҳсулдор ипак қуртининг янги зотлари ва гибридларини жорий этишга қаратилган комплекс амалий чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқиш чет элга етказиб бериш билан чекланиб қолмокда.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси янқунари бўйича қабул қилинган қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларга принципал баҳо берилди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди, шунингдек ипакчилик тармоғини янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар тасдиқланди.

Жумладан, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзбек ипаги» уюшмасига «Ергеодекада» давлат кўмитаси, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд тўтзорлар пухта хатловдан ўтказилишини таъминлаш, шунингдек тўтзорларни «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимига бериш, якка қатор тўт дарахтларини эса фер-

мер ҳўжалиқларига бериш тартибини ишлаб чиқиш, бунда етказиб берилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифати учун фермер ҳўжалиқларини рағбатлантириш масалаларини назарда тутиш топширилди.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон ипакчилик илмий-текшириш институтига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 мартдаги Ф-2167-сон Фармойишига мувофиқ тўт дарахтларининг юқори ҳосилли янги навларини, селекциясини ривожлантиришга ва мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган юқори маҳсулдор ипак қуртининг янги зотлари ва гибридларини жорий этишга қаратилган комплекс амалий чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқиш чет элга етказиб бериш билан чекланиб қолмокда.

«Ўзбек ипаги» уюшмасига Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2005-2009 йиллар даврида ипакчилик тармоғини ривожлантиришнинг комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

(ЎЗА)

Инсон қадри улуғ, инсон хотираси — муқаддас

Шу кунларда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанин 60 йиллигини Ўзбекистон халқи ҳам бутун дунё ҳамжамияти билан биргаликда нишонлашга қизгин тараддуд кўрмокда. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти «Хотира ва қадрлаш» сўзларида ўзининг теран ифодасини топган. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, туман ва шаҳар марказларида Хотира майдонларининг барпо этилгани, эндиликда бу жойлар мўътабар зиёрат-

гоҳларга айлангани инсон қадри, инсон хотираси нақадар улуғ, нақадар азиз эканлигини ёрқин ифодаб турибди. Бу муборак жойлар тарбия маскани бўлиб, унга таширф буюрган ҳар бир киши даставвал машъум урушнинг қайси жангоҳларида бўлмасин, қандайдир номсиз телалик эмас, балки ўз Ватани, тугилиб ўсган қишлоғи, муштира онаси, меҳрибон фарзандлари деб урушда қурбон бўлган ота-боболаримизни, юртимизнинг марду-майдон ўғлонларини эҳтиром билан ёдга олади, уларнинг хо-

тираси олдида ҳурмат бажо этади. Яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанин 60 йиллиги нишонлангани муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги Президент Фармонида ҳам ана шу масалаларда уруғ берилган.

Суратларда: пойтахтимиздаги Хотира майдонида.

И.ХАСАНОВ олган суратлар



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялли мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялли мажлиси 2005 йил 6 май кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар заллида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 5 май кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойвесида рўйхатга олинади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия Республикаси Миллий прокурори - Мафияга қарши курашиш бўйича Италия миллий бюроси раҳбари Пьеро Луижия Винья бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид-жон Кодиров билан учрашди.

БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Учрашувда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, бу борада жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга муҳим аҳамият берилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Италия Республикаси ўртасида турли жаҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги алоқалар тобора кенгайимокда. Ҳар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилаётди.

Таъкидланганидек, иқтисодий-ижтимоий глобаллашув жараёнида уюшган жиноятчилик, жумладан, унинг ўта хавфли қўринишлари - терроризм, экстремизм, наркотик воситаларининг ноқонуний муомаласи ва одам савдоси билан шуғулланишнинг тобора кенгайиб бораётгани инсон ҳуқуқларини поймиқ этиш билан боғлиқ таҳдидлар манбаи бўлиб қолмокда.

Бу борадаги фаолият бўйича самарали ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида қилиш учун жаза муқарраблиги принципини амалда изчил таъминлаш, жиноят ишлари юзасидан, хусусан, жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш борасида икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш зарур. Жиноят ишлари бўйича оловномаларни самарали ва ўз вақтида бажариш, шунингдек, соҳа ходимларининг иш тажрибасини янада такомиллаштириш мақсадида ҳар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида идоралараро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Учрашувда мамлакатимиз Бош прокуратураси ва Мафияга қарши курашиш бўйича Италия миллий бюроси ўртасида уюшган жиноятчилик ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Тадбирда Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Анжело Персиани иштирок этди.

(ЎЗА)

Бугуннинг одамлари ҚАДРДОНЛАР

Туманиннинг чекка қишлоқ ҳудудида жойлашган маҳалламизда 2810 нафар аҳоли истиқомат қилади. 5 та қишлоқ бор. Сартарошхона, ФАП, болалар боғчаси, 2 та кутубхона бир неча дўконлар ишлаб турибди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда баъзи бир муаммолар бор.

Маҳалла фуқаролари асосан қишлоқ ҳўжалиги билан банд. Деҳқончилик ва чорвачилик аҳоли турмушининг асосий таянчи. Фуқароларнинг бир қисми Ш.Назаров номли ширкат ҳўжалигида ишласа, бир қисми деҳқон ҳамда фермер ҳўжаликлари тармоғини ривожлантирмокда. Аста-секин ишсизлик муаммосига баҳрам бериляпти. Кейинги йилларда аҳоли томоғка ҳўжалигидан ҳам унумли фойдаланмокда. Айниқса, чорвага эътибор катта. Ҳар бир хонадонда ўртача икки-уч боддан қорамол, қўй-эчки бор. Асарачилик, паррандочиликдан ҳам эндиликда яхшигина даромад олинаёпти.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар йўқ эмас. Уларга давлат томонидан белгиланган нафақалар билан бирга тадбиркорлар ҳомийлигида моддий ёрдам уюштириляпти. Шунингдек, шахсий ҳўжалиқларини юргизиб, кўпроқ даромад олишлари учун имконият яратилляпти.

Т.ЭЛМУРОВОВ, Пахтачи туманидаги Добусия маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Болаларни ёзги соғломлаштириш - юксак масъулият

Қашқадарёда оромгоҳлар Ҳисор тоғи бағридаги қуюқ арчазорлар билан қопланган баҳаво ҳудудда жойлашган. Тоза ҳаво, шарқироқ соғайлар, булоқлар, дов-дарахтлар киши қалбига ором бағишляйди. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қўшма қарорига мувофиқ масъулият ялли мавсумга тайёргарлик бўлтургига қараганда бир ой илгари бошланди. Ишчи гуруҳи ҳар бир соғломлаштириш масканидаги аҳолини чуқур ўрганиб, муаммоларни вақтида бартараф этишга ҳаракат қилмокда.

Жорий йилда вилоятда 21 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатади. Ёқилғи, энергетика, геология ва кимё саноати, автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмалари тасаруфидаги «Еш алангачи», «Автомобилчи», «Лочин» оромгоҳлари санаторий типига ўтказилиб, ўғил-қизлар кўнгилли дам олиш билан бирга яхши даволанишлари учун ҳам шарт-шароит яратилди. Вожа бўйича жорий йилда 23 мингдан ортиқ болани соғломлаштириш кўзда тутилган. Бу бўлтургига нисбатан 9 мингтага кўп.

«Шўртангазим» мажмуаси раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ишчи-хиз-

ХАТОЛАР

матчилар, инженер-техник ходимлар фарзандларининг саломатлиги тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келяпти. Мажмуанин Шайхри сабабдаги сўлим масканига ҳамма ҳавас қилади. «Констракшен» масъулияти чекланган жамият билан шартнома тузилиб, катта хажмадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмокда. Эътиборлиси шуки, бизнес режага кўра оромгоҳ жомаси ўз кўчи билан 14 миллион сўм атрофида даромад олишини мўлжалляпти. Ҳудудда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари

болалар дастурхонини тўқин-сочин қилишда муҳим рол ўйнайди.

Бахтга қарши баъзи жойларда эски касал давом этмокда. Мавсум бошланганига оз вақт қолган бўлса-да, айрим оромгоҳларда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари талабга жавоб бер-

ТАҚРОРЛАНМАСИН

майди. Масалан, Китооб туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бош-

қармасининг «Дўстлик» оромгоҳи ошхонаси қаровсиз аҳволда, стол-стуллар етишмайди, тиббиёт, «Маънавият ва маърифат» хоналари анча вақтдан буён таъмирга муҳтож. Етоқхона ва айвонлар, спорт майдончалари, кутубхона ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

И. ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Вилоятдаги 1094 та умумтаълим мактабларида ўқийт-

ган ўғил-қизлар 620.026 нафарни, шу жумладан биринчи ва еттинчи синф ўқувчилари 434.814 нафарни ташкил этади. Қўриляётган чора-тадбирларга қарамай жорий йилда дам олдириладиган болалар ўқувчиларининг умумий сонига нисбатан 5,3 фоизни ташкил этиши ҳали бу борадаги ишларда жиддий камчиликлар борлигини, катта ўзгаришлар қилиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

И. ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Юқорида таъкидланганидек муҳим ишда баъзи жойларда кўпчиликка йўл қўйилади. Масалан ўтган йилда қаерлардадир соғломлаштириш мавсуми бошланганига қарамай оромгоҳларни мавсумга тайёргаш, яъни, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш, технологик асбоб-ускуналар, идиш-товоллар, маданий, спорт жиҳозлари, озик-овқат, дори-дармон билан таъминлаш масаласи, ҳаттоки май ойининг охиригача ўз ечимини топмаганлиги кузатилган.

Болаларни оромгоҳларда кўнгилли дам олиши кўп жиҳатдан у ерда маънавий-маърифий, тарбиявий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини йўлга қўйиш, тўғрақлар, кутубхоналарни намунали ташкил этишга боғлиқлиги қарамай баъзи оромгоҳларда бу муҳим ишга етарлича аҳамият берилмади. Жумладан Сурхондарё вилоятининг «Чинор булоқ», «Мироб», Бухоро вилоятининг «Нихол» оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари жиҳозланмади, кутубхоналар ташкил этилмади. Буларнинг ҳаммаси ёзги соғломлаштириш ишларини кўнгилигидек ўтишга салбий таъсир ўтказди. Бу йил сабақлардан тўғри ҳулоса чиқариб, масъулиятли мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрайлик. Ўзбўларчилик, узрли баҳоналарни рўқча қилишга барҳам бериб, бутун диққат-эътибор амалий сазй-ҳаракатларга қаратилмоғи даркор.

Бозор иқтисодиёти шароитида янги иш ўринларини яратиш, ёшларни касб-хунарга ўқитиш орқали муҳим иш жойлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Олтинчи туманида ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат бозоридagi вазиятни барқарорлаштириш ҳамда ишсиз ёшларни касбга ўқитиш ва уларни ҳақ тўланадиган жомоат ишларига жалб қилиш борасида бир мунча ишлар қилинаётди. Хусусан, тумандаги ташкилот ва корхоналар, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда муайян тадбирлар ўтказиш ишсизликни тугатишда муҳим омили бўляпти. Кунин кеча бўлиб ўтган «Меҳнат бозори» ярмаркасида барча ташкилот ва кор-

хона вакиллари ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

Туманда «Бандлик» дастурини тўла-тўқис амалга ошириш учун

бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилибди. Туман ҳокимияти, прокуратура, ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, воёга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия, ижтимоий ўқинма маркази ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 24 та ташкилот ва ҳўжалик 169 та бўш иш ўринларини тақдим этди. Шунингдек,

«Бандлик» дастури — амалда

ширкат ва деҳқон фермер ҳўжаликлари ҳам бўш иш ўринлари

билан қатнашишди. Тадбирда иштирок этган 103 нафар йигитликнинг 71 нафарига мутахассислиги бўйича йўлнамалар берилди. Шундан 3 нафари жаза муддатини ўтаб қайтганлардир. 32 нафар ёш мутахассисга ишга жойлаштириш учун маслаҳатлар берилди. Айрим ёшлар «Пахтакор», «Алпомизи», «Хайрондора» ширкат ҳўжаликлари-

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

даги бичиш-тиқиш, зардўзлик цехларида меҳнат қилиб, касб ўрганишга йўналтирилди. Вақтинча ишсизлар рўйхатга олинмиб, улар нафақа билан таъминланмокда.

Айни вақтда тумандаги касб-хуна қоллежларини тугатаётган мутахассис ўғил-қизларни ҳам иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмокда. Улар меҳнат нозирлари томонидан назоратга олинмиб, жойларда тушунтириш ишлари олиб бориломда. Бундан ташқари, ўз-ўзини бошқариш органлари 11 та меҳнат бўлими нозирини бириктирилган.

У.БЕКМУРОВОВ

Бир Фармон шарофати

КИШЛОҚҚА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Президентимизнинг "Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтаришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Кишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланиши эскича тасавурлардан воз кечиб, агросаноат мажмуида жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида иш юритиш, билим ва иш малакасини мустаҳкамлаш, илгор техника ва технологияларни қўллаш зарурлигини таъқозо этмоқда.

Бундан ўттиз йил муқаддам Қарши даштда ташкил топган Нишон тумани ерларининг вақт ўтиши билан унумдорлиги пасайиб, қўтилган самарани бермаётган эди. 192,8 минг гектарлик кенг ҳудудни эгаллаган чўл сарҳадларида 56 минг гектар сугориладиган майдонлардан мўлжалланган ҳосил олинмади. Ширкат хўжаликлари қарзга ботиб, маҳсулот етиштириш қийинлашди. Республика ҳукумати аҳолининг ўнглаш учун қўшимча чоралар кўрди. Норентабел 16 та ширкат тугатилиб, ўрнига 2224 та фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Туманда кишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг филиали фаолият кўрсата бошлади. Агросаноат тармоқларида ишлаб, катта тажриба орттирган иқтисодчи ирригатор Абдулла Очиллов бўлим раҳбарлигига тайинланди.

Халқро тикланиши ва тарққибёт банки ажратаётган кредит қўйилмалари тўрт йўналишдаги комплекс тадбирларни амалга оширишга сарфланапти.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйича ҳозирга қадар 935 миллион сўм маблағ сарфланди. Фермерларга 50 та чопик тракторлари, 20 дона култиватор, 16 та тележка, 60 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа кишлоқ хўжалик техникалари берилди.

Ирригация ва мелиорация йўналиши бўйича "Ширинобод" ва "Учмула" хўжалиқларининг оқова сувларини қабул қиладиган зорвурларни қазиб ниҳосига етказилди. 346,4 минг АҚШ долларлари сарфланиб, 13,6 километри зорвурлар қайта қурилди. "Ширинобод" ва "Ойдин" хўжалиқларида 300 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Шартнома нархи 267,75 миллион сўмлик насос

станциясини қайта қуриш ишларини, умумий қиймати 371 миллион сўмлик коллекторларни, таъмирлашни "Эскиан-хорканалқурилиш" бошқармаси жамоаси олиб боришапти.

Ички хўжалик сўғориш зорвур ва ёпиқ-ётиқ дренажларни таъмирлаш ишларига 1,4 миллион АҚШ доллари ажратилган, бу ишлар йил охирида бошланади. Хусусий машина-трактор паркларини ташкил қилиш йўналиши бўйича қиймати 1,7 миллион долларлик 10 та бизнес режа тайёрланди ва республика "Пахта банки"га тақдим қилинди. Жумладан, "Ибодулло Соҳибов" фермер хўжалигининг Нишон қоракўлчилик-наслчилик кишлоқ хўжалик ширкатида мўқобил МТПлар ташкиллаштириш ва уларга янги техника воситалари сотиб олиш лойиҳаси "Пахта банк" кредит қўйилмасида қўриб чиқилиб маъқулланди.

Молиявий қўллаш тадбиркорлар руҳини кўтариб, ишга барака киритмоқда. Аҳмад Бозоров раҳбарлик қилаётган "Дўстлик" фермер хўжалиги 13 миллион 105 минг сўмлик кредитга трактор сотиб олган эди. Халол меҳнат қилган кишлоқ мулкдорни даромадини кўпайтириб, қарзидан қутилди. "Ҳазрати Лангар" фермер хўжалиги раҳбари Ҳазрат Дўстматов "Пахта банк"дан олган 13 миллион сўмлик қарзининг ярмини қоплади. "Тарағай Баҳодир", "Таниев Нарзулло", "Чўл ўқаси", "Чўлибод", "Арпабулок" ва бошқа деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам агентлиқнинг молиявий ёрдами билан моддий-техника базаларини мустаҳкамладилар.

2003 йил шартнома режасидан ортқича сотилган хомашёнинг 20 фоиз имтиёзли нарҳларда олиниши деҳқонларнинг меҳнатга рағбатини кучайтириб, истиқболга ишончини оширди. Натигада 2004 йил янги пахта ҳосили 51,5 минг тоннага етказилди ёки 1 йилда 10 минг тоннага кўпайди.

— Хорижий сармоёлар жалб этилганлиги фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имкониятини берапти, — дейди филиал директори А. Очиллов. — Тадбиркорларни нафақат иқтисодий қўллаш, айни пайтда ирригация-мелиорация тармоқларини таъмирлаш, ёнлиги мойлаш материаллари, мине-


И.ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти Сурхондарёда Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон йўналиши бўйлаб қурилиши ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бойсун туманидаги Работ участкасида бўлиб этилаётган мушташ ва гузал темирйўл бекати бутун туман эҳлининг фахрига айланиб улгурди. Асрлар давомида одамлар фақат орзу қилиши мумкин бўлган замонавий карвон йўли бутун уларнинг кўз ўнгига намоён бўлиб турибди. Бу ҳам истиқлол шарофати, у бизга бериб қўйган имкониятларнинг бири. Янги темирйўл бекатида қурилиш ишларини асосан чинозлик "Курувчи"

БОЙСУН ТЕМИРЙЎЛ БЕКАТИ ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

носининг атрофига темир тунақлар ўрнатиш ва қавшлар шамда безаш топширилган.



масыулияти чекланган жамияти жамоаси аъзолари лоёнига етказишмоқда. Бунда илгор қурувчилардан уста Иброҳим Абдураулов, участка бошлиғи Пармон Пардаев, ишчи Зисёдулло Назировларнинг хиссаси катта. Шунингдек, қурилиш ишларида Кўкюн, Қарши, Самарқанд шаҳарларидан келган қўлигул бўлиб-

Ҳар жабҳада бир ўзгариш

юборилган. Бекат атрофида арча ниҳоллари ўтказилмоқда. Ҳадемай Тангимуш участкасида Работтача темирйўл излари ётқизиш ниҳосига етказилди. Қолаверса, келгусида бекатга яқин жойларда хўжаликларга мўлжалланган коттеж ў-

Ҳар жабҳада бир ўзгариш

ўрнатиш билан банд. Маълумотларга кўра, мазкур ташкилот аъзолари 5 ойдан буён фаолият кўрсатаётди. Жамоа аъзолари томонидан, 2005 йилнинг март ойида 70 миллион сўмлик энергия-монтаж ишлари амалга оширилиб, Бойсундаги Ол-

мазор трансформатор подстанциясида Работдаги темир йўл бекатига 14 километр масофага яқин электр симлари тортилди.

Работдаги темирйўл бекати бўғун чароғонлиқ оғушида. — Электрликларимиз бор маҳоратларини ишга солиб, зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифани сийдиқилдан адо этишмоқда, — дейди биз билан суҳбатда 1-энергомонтаж поезди бошлигининг ўринбосари Илдар Акчурин. — Илгор ишчиларимиздан Сафар Юлдашев, Алишер Алиев, Абдуҳалим Шерқўзиёев, Анвар Юсупов ва бошқалар хизматидан мамнунимиз. Ишчиларга ётоқ жой, 2 маҳал иссиқ овқат ва 1 маҳал нонушта ташкил қилинган. Улар маҳсул кийим-бош билан таъмин-

лар қурилади, янги иш ўрнилари яратилади. Объектда бўлганимизда Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компаниясига қарашли 1-энергомонтаж поезди жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам яқиндан танишдик. Жамоа аъзолари янги темирйўл линиясига энергия таъминоти воситалари

ҚУЛАЙЛИК - САМАРА БЕРДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрь куни қабул қилинган "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Жиззах вилояти тижорат банклари миқозлар учун бир қатор қулайликлар яратди.

Аҳолининг талаб ва истакларини ўрғаниб чиққан банк мутахассислари электр, иссиқлик энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал тўловларни қабул қилиш учун 35 та банк шохчаси очди. Зарур ускуналар, компьютерлар, электрон алоқа хизмати билан таъминланган бу шохобчаларда малакали мутахассислар хизмат кўрсатмоқда.

Бу қулайлик тезда шу самарасини берди. Шу йилнинг биринчи чорагида шохобчалар орқали миқозлардан 500 миллион сўмлик коммунал тўловлар қабул қилиб олинди.

А.РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

Излаган имкон топади

эътибор аввало аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилди. Ўтган йилнинг ўзига кам таъминланган, ночор, боқувчисини йўқотган 15 нафар оила камқўстидан хабар олиниб, уларга 27 бош қўй, 46 қоп ун ва бошқа турдаги озиқ-овқат

НУРОТАДА СПОРТ МАЖМУИ

ни 308 минг сўм даромад келтирди. Бунга Б.Исмоилов, Б.Бегманов, М.Нурхонов, С.Егенов, Д.Сирлибоев, Р.Бегманов, Ж.Жузбоев, О.Мирзаев, Х.Шакарнов, Т.Умаров, С.Файзаев, Х.Ўлжаев каби донгдор оилавий пудратчилар кўшган хиссаси кўшсангиз, хўжалик даромади бир неча баробар ортади.

«Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар қиройлик» деганларича бор экан. Нақлга амал қилиниб, асосий

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

НАВОЙИ СУПЕРФОСФАТИ

Навоий шаҳридаги Электркимё заводи ўсимликлар зараркунданлардан ҳимоя қилишга мўлжалланган кимёвий воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган республикамиздаги ягона корхонадир. Бугунги кунда заводда йигирмадан ортқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Корхонада яқиндан бошлаб суперфосфат ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Хомашё Қизилқум фосфорит комбинатидан келтирилмоқда. Бу ўғит ер унумдорлигини оширади. Ўтган йили корхона муҳандислари санаят-саноат қурилмасини ишга туширган эди. Мазкур технология қурилма ёрдамида жорий йилнинг дастлабки чорагида олти минг тонна минерал ўғит тайёрланди.

Завод жамоаси 2005 йилда деҳқонларга 317,1 минг тонна минерал ўғит етказиб беришни режалаштирган. Ўғит нархи анча арзон, сифати ва самарадорлиги шу пайтга қадар хориждан келтирилган суперфосфатникидан қолишмайди.

(ЎЗА)

Газетамизнинг ўтган йил 17 сентябр сонида Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги собиқ «Фаргона» ширкат хўжалигида жойлашган «Чорвадор» ижара фермер хўжалиги раҳбари А.Шокировнинг шикоят-хати асосида «Нега хомушсан дўстим?» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда ижара хўжалигининг амалдаги қонунлар асосида фаолият юритишига тўсқинлик бўлаётгани, хусусан, туман ҳокими ўз ваколатига кирмаган айрим қарорларни қабул қилиб, ижарачи ҳақ-ҳуқуқини чеклагани тўғрисида фикр юритилганди.

Хар қандай католики вақтида бартараф этиш ва унга ҳолисона ёндошиш одил ва оқил инсонлар иши. Бўлиб ўтган ишларни қонун доирасида баҳолаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда прокуратурасига мурожаат этган эдик. Орадан 70 кун ўтиб прокуратурадаги мутасаддиларнинг жавоб хатини олдик ва у — «Ҳоким қарорлари бекор қилинди» сарлавҳаси остида чоп этилиб, унда мулк эгасининг талаби қондирилгани айтилганди.

Орадан саккиз ой ўтиб, яна А.Шокиров таҳририятга хат ёзиб ахвол ўзгармагани «Чорвадор» ижара хўжалиги ҳамон бировлар ихтиёрида эканлигини маълум қилди. Шу сабабли яна мавзуга қайтишни лозим топдик. Зеро, адолат бузилган жойда ишчанлик йўқолади. Танқидий мақола ўрганиб чиқилгач, вилоят прокуратураси «Чорвадор» ижара корхонаси мафзаатини кўзлаб жавобгар Оқолтин туман ҳокимлигининг 2004 йилдаги 330-, 331 ва 372-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Ўтган йилнинг 25 октябрда хўжалик суди ишни атрофлича кўриб, томонлар фикрини ўрганиб ва ижара корхонаси Низомининг 5.1-бандида «Ижара корхонаси олий орган таъсисчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланиши, у беш йил мuddатга директорни сайлаши ҳамда Ўзбекистон Рес-

си билан чиқди. Туманлараро суд масалага оқилона ёндошиб уни А.Шокиров фойдасига ҳал қилди.

Асосий вазифа ижрон таъминлаш эди, холос. Бироқ, Оқолтин туман суд ижрочилари бўлинимси катта суд ижроси Ш.Кўчқоров фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судидан келиб тушган қарорлар Ш.Ғаппоров ва унинг ишчиларини «Чорвадор» ижара фермер хўжалигидан мажбурий тартибда, бошқа турар-ҳол бермасдан қўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларининг ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-мод-

НЕГА ХОМУШСАН, ДЎСТИМ?

даши мос келиши, асосан ушбу қонуннинг 8-, 23-, 71-, 86-моддаларини қўллаган ҳолдаги қарори ҳам худди вилоят хўжалик суди қарори сингари охирига етказилмасдан аро йўлда қолиб кетди.

Яна бир гап: хўжалик процесуал кодексининг 218-моддасида ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилши керак бўлган сўмнинг 50 фоизигача миқдорда ва ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатлар зиммасига юклатилган шахс томонидан бажарилмаसा, унга энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача жарима қўлланлиши айтилган.

Бироқ ҳар икки ҳал қилув қарори бўйича на ижро поёнига етди, на жарима қўлланлиди. Аксоний орадан роса 63 кун ўтиб вилоят хўжалик суди даъвогар вакили Н.Мусурмонқулов, жавобгар А.Шокиров ишториқда «Фаргона» ширкат хўжалигини туга-

тиш комиссиясининг жавобгар (?) «Чорвадор» ижара корхонаси билан 30.01.2004 йилда тузилган шартномани бекор қилиш, барча мол-мулкни шартномада белгиланган тартибда мулк эгасига қайтариш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилиб, даъвогар фойдасига ҳал этилди. Ҳақиқий мулк эгасининг жорий йил 16-февралда шу суд орқали апелляция тарздаги хати эса қаноатлантирилмади.

Ҳўш, нега шундай бўлди! Бир нарсга ҳар қандай кишини ўйлантириши табиий. Масалан, ҳоким қарорлари ноқонуний эканлигини уни чиқарган киши томонидан тан олингач, орадан шунча вақт

даги хат хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига ҳам собиқ ширкат хўжалигининг тугатиш комиссияси раиси (ҳозир у бу вазифада ишламайди) томонидан тақдим этилди. Эҳтимол, ноқонуний эгаллаб олинган ижара хўжалигини ўз эгасига қайтариш учун қилинган ҳаракатларга асосий сабаб шу бўлганди. Буниси бизга қоронғу.

Аммо бу туман раҳбарларига ёқмаганлиги қуйдаги далилларда кўринади. Собиқ хўжаликнинг тугатиш комиссияси раиси А.Эргашевнинг тушунтири-

даги хат хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига ҳам собиқ ширкат хўжалигининг тугатиш комиссияси раиси (ҳозир у бу вазифада ишламайди) томонидан тақдим этилди. Эҳтимол, ноқонуний эгаллаб олинган ижара хўжалигини ўз эгасига қайтариш учун қилинган ҳаракатларга асосий сабаб шу бўлганди. Буниси бизга қоронғу.

Аммо бу туман раҳбарларига ёқмаганлиги қуйдаги далилларда кўринади. Собиқ хўжаликнинг тугатиш комиссияси раиси А.Эргашевнинг тушунтири-

даги хат хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига ҳам собиқ ширкат хўжалигининг тугатиш комиссияси раиси (ҳозир у бу вазифада ишламайди) томонидан тақдим этилди. Эҳтимол, ноқонуний эгаллаб олинган ижара хўжалигини ўз эгасига қайтариш учун қилинган ҳаракатларга асосий сабаб шу бўлганди. Буниси бизга қоронғу.

Мавзуга қайтиб

«Чорвадор» ижара корхонасига берилган қорамолчилик фермаси мулклари хатлаб, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш жараёни бошланглиги сабабли ижара корхонаси директори А.Шокиров томонидан ихтиёрий равишда топширилган ижара мулкларни қабул қилишини ва тугатиш баланси рўйхатига киритилсин.

Туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош мутахассиси С.Тяков, шартномаларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи О.Собиров, ижара корхонаси раҳбари А.Шокиров, ижара мулкларини қабул қилиб олган К.Усаров, У.Мустафоқулов, Ш.Ғаппоров, А.Эргашев ва Р.Незьматовлар 2004 йил 19, 20, 26 июлда тузилган далолатномани тасдиқлаш ва бу ҳаражатлар тугатиш комиссиясининг баланс тузишида асос қилиб олишсин.

Инстанция бўйича хўжалик судига тақдим этилган ҳужжатлар қаторида ана шу буйруқ ҳам қўриб чиқилса-да, бир нарсга мутасаддилар эътибор қаратишни ё унуттишди, ёки луман хохламаган кўринади; яъни бу ҳужжат қалбақлаштирилгани ва ижара мулкларини қабул қилувчилар орасида А.Эргашев ва Р.Незьматовлар аслида хўжалик тасарруфида ва ижара жамоасида йўқ кишилар эканлигини корхона раҳбари А.Шокиров неча бор таъкидлашга қарамай на унинг фикри ва на тугатиш комиссиясининг собиқ раҳбари хати инобатга олинди.

Шундай бўлсада одил кишилар адолат албатта тантана қилади, мулк ўз эгасига буюрлади, дейишмоқда. Сирдарё вилояти ҳокимлигидаги мутасаддиларчи? А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбегим фазилати

Олтинқул тумани Ганжиравон қишлоғидан уруш-га чақирилган Хожимат Тожибоевдан дастлаб хат-хабар келиб турди. Аммо орадан бир йил ўтгач, дарак бўлмади. Бирмунча вақтдан сўнг Х.Тожибоев хизмат қилган қисм бошлиғидан унинг бедарак йўқолгани тўғрисида билдиришмоқда олинди. Ушундан оиланинг ягона фарзанди Маъмуржон ҳали гўдақ бўлиб, воқеанинг моҳиятини тушунадиган даражада эмас эди.

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Онасида ҳам жуда эрта — уч ёшлик чоғида етим қолган ўғил қариндошлар ёрдамида воғга етди. Отана меҳрига зор ўсган Маъмуржон ўқувчилик йилларидаёқ отаси тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш иштиёқи билан ашадди. Тошкент политехника институти самолётсозлик факультети талабаси бўлганда ҳам, Чкалов номидаги авиасозлик заводида ишлаганида ҳам бу фикр-ўй ҳаёлидан кетмади.

1972 йили Андижон механика заводида ишлаш бошлаганида вилот харбий комиссариатига мурожаат этиб, мақсадни баён қилди. Бу ерда унга архив материаллари асосида отаси бедарак йўқолгани тўғрисидаги ҳужжатни рўқча қилиб, бошқа ҳеч қандай маълумот бера олмастиклари ни билдиришди. Шу тариқа йиллар ўта берди. Маъмуржон Хожиматов ҳам тақдирга тан бергандек эди. Аммо ўзи ота бўлиб, фарзандлари тарбияси билан шугуллана бошлагач, отасининг тақдирини аниқлаш тинчлик бермай қўйди. Яна архивга мурожаат қилди. Бироқ бирор янгилик билолмади. Олдинги жавобни қайтардилар. Умидлари пучга чиқиб, орзуси армонга айлангандан қаттиқ эзилди. Корхонада узоқ йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққанида ҳам эзгу нияти уни тарк этмади.

молларни шу ердан топди. Маълум бўлишича, Тожимат ака 1944 йил 18 февралда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва Ленинграднинг Луга районидagi Костово қишлоғига дафн этилган экан. Бу хабар Маъмуржон акага тинчлик бермай қолди.

Ота қабрини зиёрат қилиш-ни муқаддас бурчи деб билган фарзанд ҳаловатини йўқотди. У тезроқ мақсадга эришишни истар, бироқ моддий томони бироз ўйлантирар, бориш-келиш ҳаражатларига қўли калталиқ қиларди. Бироқ ўтган йили ниятига етди. Олтинқулдан сўнг ота қабрини зиёрат қилишдек эзгу мақсадга эришди. Она юртдан келтирилган тупроқни отаси ва бошқа ватандошларимиз қабрларига сеппиб чиқди. Қўнли таскин толиб, мамлакатимизга қайтаркан, қалбида ана шундай муқаддас ишни амалга оширишда моддий ва маънавий қўмақлашган Андижон механика заводи ҳамда Фарғонадаги «Авиа хизмат» фирмаси жамоаларига чекис миннатдорлик туйғуси жўшурди. Дунёда одамийлик, меҳроқибат бор бўлсин. Б. МАНСУРОВ



ҚВПГА ТҮРТ МИЛЛИОН СЎМЛИК АСБОБ-УСКУНА

Фориш туманида кейинги пайтда қишлоқ врачлик пунктлари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ўтган йили 4 та ҚВП қурилиб, ишга туширилди. «Ана-муна» қишлоқ врачлик пункти қурилишига бюджет маблағи ҳисобидан 29 миллион сўм сарфланди. 4 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар, 3 миллион 300 минг сўмлик жиҳозлар келтирилди. Бу ерда физиотерапевтик муолажалар ўтказиш имконияти мавжуд. Ташхис қўйиш, лаборатория таҳлили амалга оширилади. ҚВПнинг 8 нафар ходими 4 та қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Ана-муна», Қурбонхожи, Ўрта-қишлоқ, Омонбулоқ қишлоқларининг 1012 нафар аҳолиси бундай қулайликлардан баҳраманд бўлишаётир.

Б.НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

ИҚТИДОР

Бой ва жозибador ўзбек тилини мамлакатимизда истикомат қилаётган бошқа миллатга мансуб қишилар ҳам севиб ўқиб ўрганишмоқда. Таълим бошқа тилларда олиб борилаётган умум ўртатаълим мактаблари ўқувчиларининг бу тилга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида «Давлат тили — фахримиз, гуручимиз» деган мавзуда иншоолар танлови ўтказишга киришилди. Ушбу тадбир бўйича ишлаб чиқилган Низомга кўра танлов тўрт босқичда ўтказилади. Иштирокчиларнинг ёзган иншоосига қўйиладиган умумий баҳо 100 балдан иборат бўлади. Яқунловчи босқич голиблари — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрда эълон қилинади. Голиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. А.АКБАРОВ

Маънавиятимиз дурдоналари

«Наманганга йўлингиз тушибди-ю, аммо Мулла Қирғиз мадрасасини кўрмабсиз, демек, у ерга борманган экансиз!» Наманганда шундай гап юради. Наманганга ҳос гўзаллиқни, латифлиқни, нозик табиат-у бошқа жамики тақорланмас кўринишларини ўзида жамул-жам этган ушбу ёдгорлик мажмуа, мана салкам бир асрдирки замоналар ва даврлар силсиласига дош бериб қад ростлаб турибди. Айниқса, сўнгги 70 йил мадраса мажмуи учун катта имтихон бўлди. Унга мутлақо эътибор берилмади, ҳужалиқ мақсадларида фойдаланилди. Шукрларким, истиқлолдан сўнг ёдгорлик жорий таъмирланиб, бу ерда қайтадан мадраса ташкил этилди. Энг қувончлиси, ўтган йилнинг охирида шаҳар ҳокимлиги томонидан бинога қайта ҳаёт бағишлаш учун уни капитал таъмирлашга киришилди ва энг мохир бинокорлар ҳамда безакчилар жалб этилди.

Айтишларича, Шўро инқилоби юз бергунга қадар ва унинг гулдурдоси шаҳарга, умуман, Ўзбекистонга етиб келиб, бутун борлиқни қомига торганига қадар қўш чиқаётганида, қоқ тушлик пайти-ю, олам ёритғич ётоғига бош қўйишдан олдин мадраса гўмбазини осмондаги Ҳасан-Хусан қамалағига ўхшашиб кетадиган хирағина ажабтовур ранг жилва қиларкан. Кейинчалик бино эътибордан четда қолди, нилий гўмбазни чанг-ғубор қоплади. Мадраса узра «ўйнайдиган» ёғду ҳақида афсоналар ҳам унутилиб кетди...

миллион сўм маблаг ажратилган. Ҳозиргача унинг 40 миллион сўмдан ортиғи ўлаштирилиб, таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилди. Ёдгорликка қайта ҳаёт бағишлаш, уни олдинги кўринишга келтириш, мамлакатимиздаги маънавият дурдоналаридан бирига айлантириш иши ўтган йилнинг охирида бошланган ва ҳозирда кечакундуз тинимсиз давом этаётган бўлса, қачон бу иш ниҳоясига етиши мумкин? — Вилот меҳнатқашлари Мустақиллик байрами кунларигача уни чинакамини асл ҳолида кўришга мурасар бўладилар, — дейди саволимаздаги жавоб қайтараркан О.Мўминов. — Биз мадраса биносини дастлаб қурилган пайтда бўлгани сингари кўринишга келтирмаси ва наманганликлар, вилот ва шаҳарга

Касаба уюшма тадбири

ГИЛАМДА ФАХРИЙЛАР

Голиблик гашти, сурури ўзгача бўлади. Аграр университет спорт мажмуасида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтказилган IV аънавий тармоқлараро кураш турнирида ҳам юқоридаги фикр ўз исботини топди. Унда иштирок этган 100 дан ошиб полвонлар голиблик учун астойдил беллашдилар.



Бахсларда самбо бўйича собиқ ҳаҳон ва Осиё чемпио-ларининг иштироки муҳлисларга завқ бағишлади. Дарҳақиқат, ўз вазн тоифаларида ёшига қараб гиламга тушган полвонлар маҳоратларини тўлиқ намойиш этишди. «Энг чиройли кураш учун» номинациясида Енгил, меҳел санаети ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси ходими З.Уринбоев ўз рақибини 5-сонияда мағлуб этиб, ўзига ҳос рекорд ўрнатди. Қолган вазнларда Ш. Келдиёров, И.Ивашин, С. Мирмузаев, М. Алиев, Ҳ. Жуманиёзов, Ф. Тоймуродов, Б. Сегизбоев, Ш. Раҳматуллаев, Р. Ашуров, Р. Бейинбоев, И. Шералиев, В. Романов, В. Коваленко, О. Мо-

торинлар голиблик шохсупасига кўтарилиди. Умумжамоа ҳисобида Мелталургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси жамоаси биринчи, Енгил, меҳел санаети ходимлари касаба уюшмаси жамоаси иккинчи ва кейинги ўрин Еқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси жамоасига насиб этди. Турнирнинг барча голиб полвонлари Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирланди. А. ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

Хабарлар оқимидан ПОЙТАХТ ТЕАТРИ НАМАНГАНДА

Аброр Ҳидоятлов номидаги Республика драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари шу кунларда Наманган вилоти меҳнатқашлари ва ёшлари хузурида ўз томошаларини намойиш этишмоқда. Театр жамоаси репертуаридаги «Эски муҳаббат», «Аёллар салтанати» спектакллари томошаларда катта таассурот уйғотди. Шунингдек, ижодий учрашувларда муҳлислар истеъдодли актёрлар Дилбархон Қосимова, Мадинахон Тўхтаева, Жунайдило Рамотов ва Баҳодир Мирмақсудов билан дилдан суҳбат қуришди.

ЭЛЧИННИНГ КУТУБХОНАГА ТАШРИФИ

Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги факултетида ва мухтор элчиси жаноб Жон Пурнелл С. Насафий номли Қашқадарё вилот кутубхонасига ташриф бурди. Элчи жаноблари АКШ элчихонаси ҳамда вилот кутубхонаси қўшма лойиҳаси асосида фаолият юритаётган «Америка бурчаги» билан яқиндан танишди. Бурчак маъмури К.Рўзиев меҳмонга бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Ж.Пурнелл кутубхонанинг барча бўлимлари билан танишиб чиқиб, илиқ таассуротини билдирди ва зиё маскани жамоасига Америка ҳақидаги албомуни эсдалик сифатида топширди. М.КАРИМОВА

НИЛИЙ ГҮМБАЗ УЗРА ЁҒДУ

1912 йилда Наманганнинг таниқли савдогари Мулла Қирғиз Машраббой ўғли маблаг ҳисобига бунёд этилган мадраса биноси дастлабки йилларда эзгу мақсад йўлида хизмат қилди. Водийнинг, шунингдек, Туркистоннинг турли шаҳар-қишлоқларидан илм олиш, ислом тарихи, унинг қонун-қодаларини чуқурроқ ўқиб-ўрганиш мақсадида ташриф буюрган ёшларни ўз бағрига олди. Мадраса мажмуини айлиниб кўйган киши бу ерда толиби илмлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлади. Бинода 40 та хона бўлиб, ҳар бирида тўрт нафардан толиби илмининг истикомат қилишига мўлжалланган. Бевосита шу ернинг ўзида овқат тайёрлаш, ювиниш (бунинг учун авраз бор) мумкин. Ингичка айлана зина орқали минорига кўтариларди. Маълумки, минораларда азон қақирларди. Мадраса биносида икки масжид мавжуд бўлиб, уларнинг бирида намоз ўқилади, иккинчиси овознинг жаранглаб ва баралла чиқиши учун мўлжаллаб барпо этилган; бу ерда то-

ЖАМҒАРМАДА КЎРГАЗМА

«Паноҳ шуъласи» деб номланган кўзи ожиз болалар саломатлигини тиклаш республика жамғармаси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Истеъодли ёш расомлар ижод намуналари бўйича уюштирилган кўргазмалар ҳам жойларда қизиқ

ташриф буюрган меҳмонлар ихтиёрларига ҳавола этамиз. Халқ тили билан айтганда, мадрасанин нилий гўмбазлари узра қўш ёғдуси ўйнайди. Ушундан бу ерга келганлар ўтмишдаги аждодларимиз ва усталарини саволимаздаги қодир бўлганликларига гувоҳ бўладилар. Мадраса биноси томидаги мавжуд уч гўмбазнинг бирига гоят жимжимдор араб ёзувида битилган кўйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Биз ҳаммамиз вақти келиб бу дунёдан кетамиз, аммо эзгу, савобли ишларимиз абадий қолади». Гоят ҳақ гаплар! Жумладан, Мулла Қирғиз мадрасаси сингари маънавиятими дурдоналарини гардсиз, губорсиз сақлаш ва бус-бутун ҳолича келгуси авлодларга етказиш ҳам ана шундай савобли ишлар қаторига қиради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Наманганда амалга оширилаётган бу сингари ишларни фақат табриклаш керак. О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Биласизми? ИЛК ТАНГАЛАР, ҚОҒОЗ ПУЛЛАР...

Миллоддан олдинги VII асрда Лидия (кичик Осиё, ҳозирги Туркия ҳудуди) подшоиси Крез дунёда биринчи бўлиб, танга пул зарб қилдирган. Бу тангалар олтин ва кумуш қоришмасидан иборат бўлган.



Дунёдаги биринчи банкка миллоддан олдинги 604-562 йилларда ҳукмронлик қилган Навуходоносор II асос солган. Бобинда ташкил этилган бу банкнинг номи Эгиби эди.

Энг биринчи қоғоз пуллар Сун сулоласи даврида, аниқроғи, 960-1279 йилларда Ченду (ғарбий Хитой)да чиқарила бошлаган. Бу дастлабки пулларнинг ҳажми жуда катта бўлган. Масалан, ҳозирги кунда хитой музейларидан бирида 22,8х33 сантиметрлик қоғоз пул сақланмоқда.

Европада дастлабки тилла тангалар Франция қироли Филипп IV (1268-1314) ҳукмронлиги даврида чиқарилган. Биринчи ҳақиқий банкнотлар эса 1661 йили Стокгольм банки томонидан муомалага киритилган.

«Бугун Бўзсув гидростанцияси ишга тушади, - деб ёзилган эди газетанинг 1926 йил 1 май сонияда босилган мақолада. — Урта Осиёдаги бу тўнғич нурухонанинг дастлабки икки агрегати қувват бера бошладилар. Улкан ГЭСнинг қувватидан бутун шаҳар чарогон бўлади...»

Дарҳақиқат, Тошкентдаги Бўзсув ГЭСининг бунёд этилиши катта воқеага айланган эди. Нурухонанинг 16 метрлик тўғони эса 96 иш кунда қуриб битказилган. Мамлакатимиз энергетика тизимининг вужудга келиши ана шу нурухондан бошланганлиги сабабли Ўзбекистон энергетика музейини айнан шу ГЭС ҳудудида очишга қарор қилинди. Музей павильонларини қўздан кечирган томошабин республика энергетикасининг босиб ўтган тараққиёт йўллари билан яқиндан танишади. Павильонлардан бири Тошкент вилотидаги гидроэлектростанциялар каскадларига бағишланган. Бу ерда Чирчиқ, Бўзсув, Тошкент, Қибрай корхоналарини бунёд этиш тарихи

ЭНЕРГЕТИКА МУЗЕЙИ

янгиликларни билиб олади. Музейнинг Марказий павильонига қираверишда ёдгорлик тахтага кўзингиз тушади. Унда академик И.Г.Александров ҳақидаги маълумот ёзилган. Бу олим Чирчиқ дарёси сувидан энергетика ва ирригациядан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа муаллифи. Музейда расмлар галереяси ҳам бор. Улар мамлакатимиз энергетика тизимини салмоқли ўрин тутган донг

Эшитганмисиз, ўқиганмисиз?

Музей жамоатчилиги асосида ташкил топди. Унинг экспозициясини нодир экспонатлар билан бойитишда

Ноёб фотосуратлар ва эски агрегатлар намуналари кўйилди.

ранг-баранг экспонатлар ана шу ўзгаришлардан атрафлича ҳикоя қилади.

Бўзсув ГЭСининг очилишига бағишланиб 1926 йилнинг биринчи майида Тошкентда ўтказилган анжуманда «Бугундан бошлаб асрлар бўйи ёқиб келган қора чирогимизга барҳам берилди. Хонадонларимизни электр нури ёритади», деган хитоблар янграган эди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг энергетика тармоғи жуда кенгайиб кетди. Музей экспозициясига қўйилган

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энергетика тармоғи жуда кенгайиб кетди. Музей экспозициясига қўйилган

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири Озод Шарафиддиновга ўғли Шерзод ШАРАФДИДНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳажева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сутувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.